ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O‘zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

№36 (989)
2026 йил 15 май, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Йиғилишдан кейинги мушоҳада

# Бугунги сифат – эртанги фаровонлик гарови

Қурилиш, бунёдкорлик. Бу, Янги Ўзбекистон луғатида энг кўп қўлланиладиган ва ислоҳотлар моҳиятини ифодалайдиган асосий тушунчани яратди. Бугунги кунда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси шунчаки бино тиклаш ёки инфратузилмага хизмат кўрсатиш билан чекланиб қолмай, инсонларнинг ҳаёт сифатига бевосита таъсир этувчи стратегик омил ҳисобланади.

**Нигора НОЗИМЖОНОВА,**
*“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.*

Мазкур тармоқларнинг изчил ривожи шаҳар ва туманларда шинам муҳит яратиш, ҳавфсиз ҳамда замонавий уй-жойлар барпо этиш, шунингдек, иссиқлик, сув ва электр таъминотининг барқарорлигини таъминлаш орқали ҳудудлар фаровонлигига хизмат қиляпти. Шу сабабли ҳам ушбу соҳани модернизация қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бу бежиз эмас. Чунки қурилиш тармоғи иқтисодиётнинг ҳақиқий драйвери сифатида қурилиш материаллари, транспорт, энергетика ва муҳандислик хизматлари каби ўнлаб ёндош соҳалар ривожига кучли суръат бағишлайди. Шу билан бирга, коммунал тизимнинг самарали фаолияти жамиятдаги ижтимоий барқарорлик ва аҳоли турмуш даражасини белгиловчи асосий мезондир.

Бироқ, бундан ўн йиллар аввал бу соҳада жиддий муаммолар бўларди. Айниқса, ҳудудларда уй-жой фондининг катта қисми қониқарсиз ҳолатда бўлиб, замонавий ва ҳамёнбоп хонадонлар етишмасди. Коммунал соҳадаги эскирган муҳандислик тармоқлари ва хизмат кўрсатиш сифатининг пастлиги аҳолини энг кўп қийнаб келган масалалардан бири эди. Жуда кўп аҳоли пунктларида инфратузилма одамлар эҳтиёжларини қондиришга мослаша олмади. Қурилиш тармоғининг ўзида ҳам тизимли муаммолар тўпланиб қолгани рост. Узоқ йиллар давомида шаҳарсозлик комплекс ёндашувга муҳтож бўлиб, кўплаб лойиҳалар пухта режалаштирилмай амалга оширилди. Лойиҳалаш усуллари эскирган, замонавий муҳандислик ва транспорт инфрутазилмаси етишмовчилиги яққол сезилиб турарди. Ортиқча бюрократик жараёнлар лойиҳалар ижросини ортга сурар, хусусий сектор иштироки эса чекланганди. Замонавий технологиялар етишмаслиги туфайли қурилиш сифати ҳар доим ҳам талабга жавоб бермасди. Бундан ташқари, тармоқни бошқариш ва назорат қилиш механизмлари ҳам етарли даражада самара бермаган.

2 →









▲ Қурилиш объектларида назорат тадбирлари.



▶ Иссиқлик таъминоти янги босқичда.

# Иссиқлик таъминотида биллинг: назорат, ҳисоб ва замонавий ечимлар



**Илҳом ТЎРАЕВ,**
*“Иссиқликтаъминоти” АЖ бошқаруви раиси.*

***Замонавий шаҳар инфратузилмасида иссиқлик таъминоти тизими аҳолини қулай яшаш шароитлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Ушбу соҳада ресурслардан самарали фойдаланиш, шаффоф ҳисоб-китоб юритиш ва истеъмолни назорат қилиш долзарб масала. Шу нуқтаи назардан, биллинг тизимлари иссиқлик таъминотида муҳим восита сифатида намоён бўлмоқда.***

Иссиқлик таъминоти шунчаки хўжалик ёки техник соҳа эмас. Бу – одамларнинг уйидаги иссиқлик, болаларимиз таҳсил олаётган мактаб, беморлар даволанаётган шифохона, қарияларимиз яшаб турган хонадон дегани. Демак, бу соҳа аҳолининг ҳаёт сифати, кайфияти ва давлатдан розилигига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Жаҳон тажрибаси коммунал корхоналар фаолиятини оптимизация қилиш ҳамда истеъмолчиларнинг хизматлар сифатидан қониқишини ошириш мақсадида “истеъмолчи – коммунал хизматлар бўйича ягона тизим” тамойилига ўтиш лозим эканлигини кўрсатмоқда. Шу боис, мамлакатимизда марказлашган иссиқлик таъминотида биллинг тизимини жорий этиш, истеъмолчиларни тизимга улаш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, марказлашган иссиқлик таъминотида жами 760 мингга яқин истеъмолчи мавжуд бўлиб, бугунги кунда 550 мингдан ортиқ истеъмолчиларни биллинг тизимига уланиш ишлари якунига етказилди. Жорий йил якунига қадар барча истеъмолчиларни биллинг тизимига уланишини якунлаш режалаштирилган.

## Биллинг тушунчаси ва унинг аҳамияти

Биллинг – бу хизматлар учун тўловларни ҳисоблаш, назорат қилиш ва бошқаришга қаратилган автоматлаштирилган тизимдир.

Иссиқлик таъминоти соҳасида биллинг тизими қуйидаги вазифаларни бажаради:

– истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини аниқ ҳисобга олиш;

– ҳар бир абонент учун ҳисоб-китобларни шакллантириш;

– қарздорлик ва тўловлар мониторингини юритиш;

– тарифлар ва имтиёзларни ҳисобга олиш.

Бу тизимларда инсон омили орқали келиб чиқадиган хатолар камаяди ва ҳисоб-китоблар шаффофлиги таъминланади.

Ҳар сафар сиз қўнғироқ қилганингизда, интернетдан саҳифа юклаб олганингизда, SMS юборганингизда ёки телевизор кўрганингизда – қаердадир биллинг ишлаб туради. Унинг вазифаси – кўрсатилган хизматларни аниқ ҳисобга олишдан иборат. Оддий қилиб айтганда, биллинг – бу мижозларга кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобларни автоматик тарзда юритадиган тизим. Унинг асосий вазифаси – ҳар бир абонент қанча тўлаши кераклигини аниқ ҳисоблаш, тўғри ҳисоб-китоб тақдим этиш ва тўловларни назорат қилиш.

Кўпинча биллингни бухгалтерия ҳисоби билан адаштиришади. Бухгалтерия амалга оширилган операцияларни давлатга ҳисобот бериш учун қайд этади. Биллинг тизими эса олдиндан ҳисоб-китоб қилади, электр алоқа, сув таъминоти каби хизматлар учун тўлов ҳисобларини шакллантиради ва дебитор қарздорликни бошқаради. Соддароқ айтганда, бухгалтерия ўтмишга қараса, биллинг келажакка қараб ишлайди.

2 →

# Янги темирйўл қурилиши бошланди

Ховос ва Даштобод йўналишида 28 километрлик янги электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошланди. Ушбу йирик инфратузилма лойиҳаси мамлакат темир йўл тармоғининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, юк ва йўловчи поездлари ҳаракатини тезлаштириш ҳамда Тошкент – Самарқанд йўналишидаги юкланишни енгиллаштиришга қаратилган.

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг Тошкент – Самарқанд йўналишини модернизация қилиш бўйича дастурий вазифалар ижроси доирасида амалга оширилмоқда. Шу асосда жамият бошқаруви раисининг буйруғига мувофиқ қурилиш ишларига расман старт берилди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Ғулом Примов.

Қурилиш жараёнида дастлабки амалий ишлар ҳам бошлаб юборилди. “Toshkent MTU” филиали масъуллари ва 203-сонли Тажриба йўл машина станцияси мутахассислари иштирокида лойиҳанинг биринчи километрида пўлат рельслар ётқизилди.

Тадбирда “Toshkent MTU” филиали раҳбари О. Худойқулов ушбу лойиҳанинг стратегик аҳамиятига тўхталиб, янги линия поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, қатнов узлуксизлигини ошириш ва темир йўл инфратузилмасини замонавий талаблар даражасига олиб чиқишда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Мутахассислар фикрича, янги темир йўл ишга тушгач, Тошкент – Самарқанд йўналишида поездлар ҳаракати янада жадаллашади, юк ташиш муддатлари қисқаради, умумий логистика тизимида эса самарадорлик ошади.

Муҳими, Ховос – Даштобод йўналишидаги ушбу 28 километрлик пўлат из мамлакат транспорт инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқиш, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий транспорт имкониятларини кенгайтириш йўлидаги муҳим амалий қадам сифатида эътироф этилди.



▲ Янги электрлаштирилган темирйўл қурилмоқда.

uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

Мутахассислар қурилиш объектида.



# Бугунги сифат – эртанги фаровонлик гарови

Тан олиб айтиш керак, бу каби муаммоларни бартараф этиш осон эмасди. Бироқ, халқимизнинг, ҳар бир ватандошимизнинг инсондек яшаши учун зарур шароит яратишни ва уларнинг ҳаётига рўшнолик олиб киришни астойдил истаган раҳбар учун бу бирламчи вазифа эди. Шу боис, Президентимиз фаолиятининг илк кунлариданоқ соҳани тубдан ислоҳ қилишга қаратилган кенг қамровли трансформация жараёнларига старт берди. 2017 йилдан бошлаб мамлакатда қурилиш соҳаси ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди. Қисқа вақт мобайнида қарийиб 10 минга яқин қурилиш корхонаси ташкил этилди. Лойиҳа қидирув ташкилотлари сони 2000 дан ошди. Уларнинг 650 дан зиёди халқаро сертификатларга эга бўлди. Бу эса, соҳада профессионал ёндашувлар ва сифат жиҳатидан мутлақо янги даврни шакллантирди.

Ислоҳотлар натижасида қурилиш соҳасида рухсат бериш жараёнлари сезиларли даражада соддалаштирилди. Босқичлар сони 3 баробарга, муддатлар эса 4 баробарга қисқартирилди. Шаҳарсозликка оид 420 та норма ва қоидалар бирлаштирилиб, эски талаблар бекор қилинди. 140 та янги меъёр жорий этилди. Бу ўзгаришлар тармоқни тизимли, замонавий ва асосли ривожлантиришга хизмат қилди. Натижада қурилиш ишлари ҳажми 2016 йилдаги 30 триллион сўмдан ўтган йилга келиб 314 триллион сўмга етди.

Бугунги кунда қурилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва унга боғлиқ соҳаларда 3,5 миллион аҳоли банд. Ҳар йили тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 6,5 минг гектар ер майдони, 600 минг квадрат метр бино ва иншоотлар савдога чиқарилмоқда. Шунингдек, кичик ва ўрта бизнес учун 140 триллион сўмлик ресурслар ажратилмоқда. Бугун мамлакат бўйлаб комплекс тарзда йирик қурилиш лойиҳалари амалга oширилаяпти. Замонавий "Янги Ўзбекистон" массивлари барпо этиляпти. Шаҳар ва ҳудудлар янгиланиб, уларнинг архитектураси ва инфратузилмаси тубдан ўзгаряпти. Бир сўз билан айтганда, мамлакатда қурилиш содир бўлмоқда.

Айни пайтда қурилиш сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илгари объектларни тезроқ фойдаланишга топшириш асосий мезон бўлган бўлса, бугун хавфсизлик, юқори сифат, лойиҳанинг узоқ муддат хизмат қилиши ҳамда замонавий стандартларга мувофиқлиги устувор вазифага айланган. Лойиҳалаш жараёнлари, қурилиш материалларининг сифати техник регламент ва хавфсизлик қоидаларига бўлган талаблар янада кучайтирилмоқда. Шу билан бирга, энергиятежамкор, экологик барқарор ечимлар ҳамда аҳоли учун қулай шаҳар муҳитини яратиш муҳим аҳамият касб этяпти. Давлат томонидан хусусий сектор иштирокини кенгайтиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Хусусий қурилиш компаниялари учун кенг имкониятлар яратиляпти. Рухсат бериш жараёнлари соддалаштирилиб, молиявий ресурслар ва ер майдонларига кириш имкониятлари кенгайтириляпти. Давлат хусусий шерикчилик механизмлари жорий этилиб, солиқ ва молиявий имтиёзлар тақдим этилмоқда. Бу эса, инвестицияларни жалб қилиш рақобатни кучайтириш ва амалга оширилаётган лойиҳалар сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Натижада қурилиш бозори янада очиқ, замонавий ва самарадорликка йўналтирилган тизимга айланяпти.

Соҳани модернизация қилишда рақамли тизим жорий этиш ҳам муҳим босқич бўлди. Ана шундай ташаббуслардан бири "Шаффоф қурилиш" ахборот тизимидир. У қурилиш жараёнларининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Мазкур платформа орқали қурилиш лойиҳаларининг асосий босқичлари рақамлаштирилиб, талабларга риоя этилиши устидан назорат кучайтирилмоқда ва жараёнлар очиқлиги таъминланмоқда. Бу эса, коррупция хавфларини кескин камайтириш, ресурсларни тақсимлашда адолатни таъминлаш ва қурилиш ишлари сифатини оширишга имкон бермоқда. Шунингдек, тизим давлат органлари, пудрат ташкилотлари ва бошқа иштирокчилар ўртасида самарали хамкорликни йўлга қўйишга хизмат қиляпти. Шу боис, бугунги кунда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалигида назорат ишларининг самарадорлигини ошириш устувор вазифалардан бирига айланди.

Гап шунчаки текширувлар ўтказиш ҳақида эмас, балки қоидабузарликларни ўз вақтида аниқлайдиган ва уларнинг олдини оладиган, сифатли қурилишни кафолатлашга хизмат қиладиган ҳамда фуқаролар манфаатларини ишончли ҳимоялаёдиган замонавий назорат тизимини шакллантириш ҳақида боряпти. Самарали назорат, энг аввало, лойиҳаларни амалга оширишнинг илк босқичларидаёқ муаммоларни аниқлаш имконини беради. Бу эса, сифатсиз материаллардан фойдаланишнинг олдини олиш, шаҳарсозлик меъёрлари ва хавфсизлик талабларига қатъий риоя этилишни таъминлаш, демакдир. Уй-жой коммунал соҳада эса бундай ёндашув коммунал тизимнинг барқарор ишлашига, бошқарув компаниялари фаолияти самарадорлигини ошишига, авария ҳолатларини ўз вақтида бартараф этилишига ва хизматлар сифатини яхшилашга имкон берди. Энг муҳими, бу ишларнинг натижаси тўғридан-тўғри аҳолининг кундалик турмушида акс этади. Яъни, уй-жойларнинг хавфсиз ва сифатли бўлиши, муҳандислик тармоқларининг барқарор фаолияти коммунал хизматларга нисбатан ишончнинг ортиши ва шаффофликнинг таъминланиши жамиятда мутлақо янги муҳитни шакллантиради.

Мазкур масалалар давлатимиз раҳбарининг доимий эътибор марказида. Президентимиз ҳудудларга амалга оширадиган ташрифлари давомида лойиҳаларнинг ижроси билан шахсан танишиб, қурилиш майдонларини кўздан кечиради ва сифатни ошириш, иш суръатларини жадаллаштириш ва тизимли муаммоларни ҳал этиш юзасидан масъулларга қатор вазифалар беради. Шунингдек, доимий тарзда йиғилишлар ва видеоселекторлар ўтказилиб, соҳадаги долзарб масалалар муҳокама қилинади. Бундай ёндашув мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш билан бирга, қурилиш соҳасини бошқаришнинг замонавий, шаффоф ва инсон манфаатларига хизмат қилишга асослантирган тизимни шакллантиряпти.

Жумладан, 2026 йилнинг 14 апрель куни Президент раислигида видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, уй-жой қурилиши ва урбанизация соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммо ҳамда устувор вазифалар очиқ ва конструктив мулоқот асосида муҳокама қилинди. Унда жойларда видеоконференция орқали 500 дан ортиқ тадбиркор, қурувчи, дизайнер, архитектор ва шаҳарсозлар иштирок этишди. Давлатимиз раҳбари томонидан соҳани тизимли қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор муҳим ташаббуслар ва амалий чора-тадбирлар илгари сурилди.

Жорий йилнинг 6 май куни ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида бюрократияни қисқартиш ва назорат ишлари натижадорлигини ошириш юзасидан тақдимот билан танишди. Қурилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар аҳоли учун замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар ва қулай инфратузилма яратишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, қурилаётган янги уй-жойлар хавфсиз, сифатли, экология ва шаҳарсозлик талабларига тўлиқ жавоб бериши зарур. Тақдимотда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш, рухсат бериш жараёнларида бюрократияни камайтириш, қурилиш объектлари устидан назоратни рақамлаштириш ва инсон омилини қисқартириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ҳозирда қурилишни бошлаш учун рухсат олишда жами 8 та ҳужжат талаб этилади. Бу жараён айрим ҳолларда 3 ойдан 12 ойгача чўзилмоқда. Шу боис, 2 та ҳужжатни талаб қилишни бекор қилиш, яна 2 та ҳужжатни эса рақамли интеграция ҳисобига шакллантириш таклиф этилди. Натижада, ариза бериш ва кўриб чиқиш учун кетадиган вақт 7 баробар қисқаради. Буюртмачиларнинг ортиқча овворагарчилиги камаяди. Янги тартибга кўра, лойиҳалашга рухсатнома ва архитектура режалаштириш топшириғини бериш жараёнлари ягона ҳужжатга бирлаштирилади. "ShaffofAI" тизими орқали ушбу жараён инсон омилисиз автоматик тарзда амалга ошириш кўзда тутиляпти. Бунинг натижасида 30 иш кунигача давом этадиган жараён тўлиқ автоматлаштирилади.

Лойиҳа-қидирув, қурилиш-пудрат ва экспертиза ташкилотларини лицензиялашда ҳам янги тартиб жорий этилади. Бугунги кунда ариза беришда 3 тадан 30 тагача ҳужжатни илова қилиш талаб этилади. Қарор қабул қилиш 14 иш кунига чўзиляпти. Таклиф этилаётган тизимда маълумотлар электрон базалар орқали автоматик текширилади. Ҳужжат илова қилиш талаби бекор қилинади. Лицензияни расмийлаштириш муддати 14 иш кунидан 5 дақиқагача қисқартирилади, қарор қабул қилиш жараёни 97 фоизга тезлашади.

Қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиш жараёнлари ҳам соддалаштирилади. Ўтган йили бу борада берилган 20 мингдан ортиқ ариза турли сабаблар билан рад этилган. Камчиликларни бартараф этиш учун буюртмачилар бир ойдан уч ойгача вақт сарфлаяпти. Энди давлат объектларини фойдаланишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар сони 3 тадан 5 тага қисқартирилади. Техник ва муаллифлик назоратчилар хулосалари, мувофиқлик деклорацияси ва бошқа маълумотлар рақамли тизимлар орқали шакллантирилади. Бу орқали объектни қабул қилиш муддати 2 ойдан 15 кунгача қисқаради. Шу билан бирга, бинонинг мустаҳкамлиги ва ёнғин хавфсизлигига таъсир қилмайдиган архитектуравий ёки режавий ўзгаришлар сабаб объектни фойдаланишга қабул қилишни рад этиш амалиёти кўриб чиқилади. Бундай ҳолатларда зарур корректуралар киритилиб, объектни қабул қилиш имконияти яратилади. Тақдимотда қурилиш объектларини онлайн назорат қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тақдимот давомида илгари сурилган долзарб таклиф ва ташаббуслар юзасидан очиқ конструктив мулоқот бўлиб ўтди.

– Президентимиз қурилиш объектларини рўйхатга олишдан, то қабул қилишгача бўлган жараённи соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берди, – деди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Сирожиддин Эшқувватов. – Мана шу топшириқлар асосида биз ишимизни таҳлил қилиб, муаммоларни бартараф қилиш бўйича таклифларни тайёрладик. Тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишдаги тартиб-тамойилларни соддалаштириш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш билан боғлиқ кўплаб масалаларнинг ечимлари билан боғлиқ таклифларни бердик. Берилган топшириқлардан келиб чиқиб, тадбиркорларга қулайлик яратадиган ишларни ташкил қиламиз.

Йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда амалиётда қурилиш объектларига кузатув камераларини мажбурий ўрнатиш талаби мавжуд эмас. Шу боис, 1-босқичда қиймати 3 миллиард сўмдан юқори бўлган ижтимоий соҳа объектлари, кўп қаватли йирик савдо ва саноат объектлари, меҳмонхона ва туризм мажмуаларига камералар ўрнатиш таклиф этилди. Бу орқали лойиҳадан ўзбошимчалик билан четга чиқиш ҳолатларини барвақт аниқлаш, қурилиш майдонидаги ишчилар ҳисобини аниқ юритиш, конверт усулида маош тўлаш ҳолатларини олдини олиш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш имконияти кенгаяди.

Йиғилиш давомида қурилишда техник ва муаллифлик назорати самарадорлигини ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. 2025 йилда техник ва муаллифлик назоартчилари объектларда 42 000 та камчиликни қайд этган бўлса, инспекторлар кейинчалик яна 50 мингдан зиёд қоидабузарликни аниқлашган. Бу айрим ҳолларда назоратчилар фаолияти етарлича самарали ташкил этилмаётганини кўрсатади. Шу муносабат билан "Шаффоф қурилиш" платформасида техник ва муаллифлик назоратчиларининг реестрини ва рейтинг тизимини жорий этиш таклиф қилинди. Уларнинг фаолияти масофадан мониторинг қилиниб, иш юритуви ҳужжатлари электрон шаклга ўтказилади. Шунингдек, рейтинг кўрсаткичи паст бўлган назоратчилар қайта ўқитишга юборилади. Аксинча, яхши натижа кўрсатганларнинг сертификати узайтирилади.

Қурилиш материаллари сифатини назорат қилишда ҳам таъсирчан механизмлар жорий этилади. Объектга киритилган ҳар бир қурилиш материали www.nazorat.mc.uz платформаси орқали электрон рўйхатга олинади. Сифатни тасдиқловчи ҳужжатлар мажбурий равишда тизимга юкланади. Сифатсиз материаллардан фойдаланган қурувчиларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгилаш таклиф этилди.

Лаборатория синовлари бўйича ҳам янги ёндашувлар белгиланяпти. Узоқ ҳудудлардаги қурилиш массивларида синовларни ўз вақтида ўтказиш учун кўчма қурилиш синов лабораторияларини ташкил этиш таклиф қилинди. Бу объектлар қамровини икки баробар ошириш, синов натижаларини тезкор аниқлаш ва стандарт талабларига риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишда ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди. 1 апрель ҳолатига республика бўйича 3 791 та ноқонуний қурилиш объекти аниқланиб, шундан, 1 933 таси саноат зоналари ҳудудига тўғри келади. Айрим объектларда ерга бўлган ҳуқуқ, лойиҳалашга рухсатнома, кенгаш ёки экспертиза хулосалари мавжуд эмаслиги аниқланган. Уни олини олиш учун ерга бўлган ҳуқуқ вужудга келган вақтдан бошлаб фуқаролар ва юридик шахсларга қурилиш соҳасидаги қонун талаблари бўйича электрон эслатмалар юбориш, "Онлайн маҳалла" ва "Шаффоф қурилиш" тизимларини интеграция қилиш, қонунчиликдаги объектларни рухсатномасиз курганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш таклиф этилди.

Йиғилиш давомида кўп квартирали уй-жойларни бошқаришда назоратни кучайтириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Қонунчиликда кўп квартирали уйлардаги тўсиқ-конструкцияларни ўзбошимчалик билан бузган шахсларга маъмурий жазо чораларини тезкор кўриш механизми етарли эмас. 2023 йилда бундай ҳолатлар 563 та бўлган бўлса, 2025 йилда 2 484 тага етган. Айниқса, эксплуатация муддати 50 йилдан ошган уйларда ўзбошимчалик билан реконструкция қилиш хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Мамлакатимизда бундай кўп квартирали уйлар 15 279 тани ташкил этади. Шу боис, уларда тоифани ўзгартириш ва реконструкция қилишни чеклаш, тўсиқ конструкцияларни бузганлик учун тўғридан-тўғри жарима қўллаш ваколатини инспекцияга бериш таклиф этилди.

Кадрлар салоҳиятини ошириш масаласи ҳам эътибор марказида бўлди. Тошкент, Наманган ва Қарши шаҳарларидаги олийгоҳларда Австриянинг Вена ва Италиянинг Сотенция университетлари билан қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, истиқболли кадрларни ривожланган давлатларга стажировкага юбориш ва уларнинг янги билим кўникмаларини амалиётга тадбиқ этиш бўйича тизим яратиш вазифаси қўйилди.

# Иссиқлик таъминотида биллинг: назорат, ҳисоб ва замонавий ечимлар

## Бу нимага керак?

Юзлаб ёки минглаб мижозлар учун тўловларни қўлда ҳисоблаш секин, ортиқча харажат ва хатоларга олиб келиши мумкин.

Биллинг тизими орқали автоматлаштириш эса қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал қилади:

Ҳисоб-китоб аниқлиги. Мураккаб тарифлар бўйича "инсон омили"дан келиб чиқадиган хатоларни бартараф этади.

Вақтни тежаш. Ҳисобларни тезда шакллантириш ва электрон почта орқали юбориш имконини беради.

Операцион харажатларни камайтириш. Мижозлар сони ошганда ҳам қўшимча ходимлар ёллаш зарурати камаяди.

Шаффофлик. Барча тўловлар ва қарздорликлар ҳақидаги маълумотлар ягона жойда сақланади.

Мижозлар учун қулайлик яратади. Яъни улар аниқ ва батафсил ҳисобларни ўз вақтида олади.



Шунингдек, исиқлик таъминоти тизимида смарт технологиялар ҳам жорий этилмоқда. Кўп квартирали уйларда иссиқлик энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими барча аҳоли ҳисоблагичларидан кўрсаткичларни масофадан ўқиш ва назорат қилиш имконини беради.

Асосий функциялари тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, тизим маълум бир давр учун реал вақт режимида истеъмол маълумотларини ёзиб боради ва шу маълумотлар асосида тенденция графикларини яратади. Қолаверса, тизим ҳисоблагичларда носозлик юзага келганда автоматик равишда хабар беради. Унда бошқарувни қулайлаштириш ва маълумотлар махфийлигини таъминлаш учун турли ваколат даражаларини белгилаш мумкин. Барча маълумотларни автоматик равишда захира қилиб боради.

## Минтақавий иссиқлик таъминоти тизимини мониторинг ва назорат қилиш

Иссиқлик таъминоти тизимларининг ҳолатини мониторинг ва назорат қилиш тизими махсус равишда, қозонхоналар ва иссиқлик алмашинув станциялари учун ишлаб чиқилган. Ушбу тизим реал вақт режимида техник кўрсаткичларни кузатиш ва акс эттириш имконини беради.

Жумладан, кирувчи сув босими, рециркуляция суви босими, кирувчи сув сарфи, рециркуляция суви сарфи, иссиқлик энергияси ва бошқалар. Шу орқали менежерлар иссиқлик таъминоти тизимининг ҳолати ҳақида ўз вақтида маълумот олиш имконига эга бўладилар.

Асосий функцияларга тизим комплекс мониторингни таъминлаш учун мавжуд бошқарув тизимлари билан синхронлаштирилиши мумкин. Тизим маълумотларни йиғишнинг икки усулини таклиф қилади: реал вақт режимида маълумот йиғиш ва қўлда маълумот киритиш. Барча мониторинг маълумотлари аввалги ахборот платформасига юкланиши ёки у ерда чоп этилиши мумкин. Тизим маълумотларни таҳлил қилишнинг турли усулларини қўллаб-қувватлайди, шунингдек, солиштирма таҳлил учун маълумотларни таснифлаш имконини беради.

Иссиқлик таъминотида биллинг тизимлари назорат ва ҳисоб жараёнларини самарали ташкил этишда асосий восита ҳисобланади. Замонавий технологияларни жорий этиш орқали ресурслардан оқилона фойдаланиш, харажатларни камайтириш ва хизмат сифатини ошириш мумкин. Келажакда ушбу соҳада рақамли трансформация жараёнлари янада жадаллашиши кутилмоқда.

Хулоса ўрнида давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзларини келтирмоқчимиз: "Иссиқ сув ва иссиқлик таъминотидаги барқарорлик – аҳолининг ҳаётдан рози бўлишини таъминловчи муҳим омил".

Тан олиш керак, бу тизимга кўп йиллар давомида эътибор берилмаган. Иссиқлик корхоналари эски ресурслар, эскирган усулларда ишлаган. Одамларни рози қилишнинг, корхоналарни тўлов қобилиятини таъминлашни имкони бўлмаган. Ўтган йиллардаги синовларни ҳисобга олиб, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, иссиқлик тизимларини модернизация қиляпмиз...

## Тизимнинг ишлаш принципи



① - маълумотлар базаси;
② - бошқарувчи компания;
③ - маълумотлар базаси сервери;
④ - майдон мониторинг қурилмаси;
⑤ - маълумот алмашиш модули;
⑥ - майдон мониторинг қурилмаси;
⑦ - иссиқлик таъминоти станцияси;
⑧ - иссиқлик ҳисоблагич.

## Ақлли ҳисоблагичларнинг ишлаш принципи




① - маълумотлар базаси сервери;
② - маълумотлар базаси;
③ - маълумот алмашиш модули;
④ - конвертор (ўзгартиргич);
⑤ - иссиқлик ҳисоблагич;
⑥ - иссиқлик тақсимлаш пункти;
⑦ - иссиқлик ҳисоблагич;
⑧ - иссиқлик таъминоти станцияси.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари мониторинг жараёнида.



# Оқова сувларни тозалаш иншоотларидаги муаммолар

Бугунги кунда дарёлар, кўллар ва бошқа очиқ сув ҳавзаларига ташланаётган ифлослантирувчи моддалар ҳажми йилдан йилга ортиб бормоқда.

**Сухроб ҒАФФОРОВ,**
*Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва етказиб беришнинг технологик талабларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбаси бош мутахассиси.*

Ушбу ифлосланишнинг асосий манбаларидан бири ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқаётган оқова сувлардир. Тозаланмаган ёки етарли даражада тозаланмаган оқова сувларнинг сув ҳавзаларига оқизилиши натижасида сув экотизимларининг табиий мувозанати бузилиб, сувнинг ўзини ўзи тозалаш жараёнлари издан чиқмоқда. Бу эса, экологик муҳитнинг ёмонлашуви, сув жонзотларининг нобуд бўлиши, биологик хилма-хилликнинг камайиши ҳамда ичимлик суви сифатининг пасайишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, таркибида зарарли кимёвий моддалар мавжуд бўлган оқова сувлар биологик тозалаш иншоотларидаги фойдали микроорганизмларга салбий таъсир кўрсатади. Натижада биологик тозалаш самарадорлиги пасаяди, канализация тармоқлари ва тозалаш иншоотларининг эксплуатация муддати қисқаради ҳамда айрим ҳолларда уларнинг ишдан чиқишига сабаб бўлади. Шунингдек, оқова сувлар ташланадиган ҳудудларда ва тозалаш иншоотлари атрофида бадбўй ҳидларнинг тарқалиши аҳоли учун ноқулай экологик вазиятни юзага келтиради.

Амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига кўра, коммунал канализация тизимларига фақат олдиндан локал тозалаш иншоотларида тозаланган ва коммунал-экологик нормативлар талабларига мослаштирилган оқова сувларни ташлашга рухсат этилади. Шу билан бирга, таркибида канализация қувурлари ва иншоотларида чўкма ҳосил қилувчи моддалар, қурилиш чиқиндилари, бўёқлар, нефт маҳсулотлари, заҳарли кимёвий моддалар, кислоталар, ёнувчан ва портлаш хавфи мавжуд аралашмалар бўлган оқова сувларни олдиндан тозаламасдан канализация тизимига оқизиш тақиқланади.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳридан чиқадиган оқова сувлар Бектемир, Бўзсув ва Салар аэрация иншоотларида тозаланади. “Тошкент шаҳар сув таъминоти” АЖ маълумотларига кўра, пойтахтдаги жами 954 та ишлаб чиқариш корхонаси оқова сувларини мазкур иншоотларга оқизади. Шундан, 20 та корхона таркибида бўёқлар, оқартиргичлар, оғир металлар ва бошқа токсик компонентлар мавжуд бўлган юқори даражадаги зарарли оқова сувларни ташламоқда. Мазкур тозалаш иншоотлари асосан, маиший оқова сувларни механик ва биологик усулда тозалашга мўлжалланган бўлиб, айрим саноат оқова сувларидаги юқори концентрациядаги кимёвий моддаларни самарали зарарсизлантириш имкониятига эга эмас. Бунинг оқибатида зарарли моддалар биологик тозалаш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги 202-сонли қарори билан, канализация тизимларига ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқ миқдорда оқизган тадбиркорлик субъектларига нисбатан компенсация тўловлари белгиланган. Мазкур қарорга мувофиқ, ифлослантирувчи моддалар миқдори экологик нормативлардан ортиқ бўлган ҳолларда компенсация тўловлари бир неча баравар оширилган миқдорда ундирилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 12 июндаги 361-сонли қарорига асосан, 2025 йил 1 октабрдан бошлаб, коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни йўл қўйиладиган концентрациядан ортиқ миқдорда оқизганлик учун 40 баравар, ўта заҳарли моддалар учун эса 100 баравар оширилган коэффициент асосида компенсация тўловлари қўлланилмоқда.

Мазкур талаблар асосида “Тошкент шаҳар сув таъминоти” АЖ томонидан 2025 йилда 7,9 миллиард сўмдан ортиқ, 2026 йилнинг биринчи чорагида эса 7,4 миллиард сўмдан ортиқ компенсация маблағлари ундирилган. Бироқ, ушбу чоралар канализация тизимларига ташланаётган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини сезиларли камайтиришга етарли таъсир кўрсатмаяпти.

Муаммонинг олдини олиш учун саноат корхоналари томонидан коммунал-экологик нормативлар (КЭН) лойиҳалари ишлаб чиқилиши ва экология органлари томонидан экологик экспертизадан ўтказилиб, тасдиқланиши зарур. Мазкур нормативлар корхоналардан канализация тизимига ташланаётган оқова сувлар таркибидаги ифлослантирувчи моддалар миқдорини белгиланган меъёрлар доирасида сақлашни назарда тутади.

Шунингдек, саноат корхоналарида зарарли моддаларни зарарсизлантириш имкониятига эга замонавий локал тозалаш иншоотлари мавжуд бўлиши лозим. Афсуски, бугунги кунда барча корхоналарда бундай иншоотлар етарли даражада ташкил этилмаган.

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясига оқова сувларни чиқариш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан иш юритиш ваколати юклатилган. Инспекция томонидан жорий йилнинг ўтган даврида ифлослантирувчи моддаларни белгиланган меъёрлардан ортиқча миқдорда канализация тизимига ташлаган корхоналар мансабдор шахсларига нисбатан 25 та ҳолатда жами 103 миллион сўм миқдорида жарима қўлланилган.

Хулоса қилиб айтганда, оқова сувларни самарали тозалаш тизимини такомиллаштириш, саноат корхоналарида локал тозалаш иншоотларини жорий этиш ҳамда экологик назоратни кучайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур чоралар сув ресурсларини муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

## “Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган электрон-онлайн очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога Фарғона туманлараро иқтисодий судининг 2025 йил 14 апрелдаги 4-1501-2501/1990-сонли ишининг ҳал қилувчи қарорига асосан банкрот, деб эътироф этилган “QURBON OTA” ХИЧК суд тугатиш бошқарувчисининг 2026 йил 5 майдаги 7-сонли алоқа хатига асосан “O‘zbekiston bunyodkori” газетасининг 2026 йил 8 майдаги 34-35 (987-988)-сонида эълонлар чоп этилиб, 3 дона кўчмас мулклар савдога қўйилган мулкларнинг 3- қаторида Фарғона вилояти Қува тумани, “Турк” МФЙ, Мингчинор кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган **Кадастр рақами:** 15:06:00:42:02:03:0807 бўлган нотурар жой биносининг **бошланғич баҳоси** – 24 868 934,00 сўм, деб ўқилсин.

Эълонда кўрсатилган қолган бошқа мулклар ўзгаришсиз online-mulk.uz савдо платформасида ўтказилишини билдирамиз.

